*Иккинчи чақириқ Олий Мажлиснинг учинчи сессияси олдидан*

# ХАЛҚ ВА ДАВЛАТ ФАРОВОНЛИГИНИ КЎЗЛАБ

**(Давоми. Боши 1-бетда).**

Режалаштирилган тайёргарлик тадбирларини самарали ташкил этиш мақсадида депутатлар ишчи гуруҳи таркибида учта кичик гуруҳ тузилиб, уларга Олий Мажлис қўмиталарининг раислари бошчилик қилдилар. Биринчи кичик гуруҳ парламент муҳокамасига киритиладиган ҳужжатларнинг лойиҳаларини тайёрлаш, сессия материалларининг депутатларга олдиндан топширилишини уюштириш ва депутатларнинг қонун лойиҳалари юзасидан таклифлари ва мулоҳазаларини парламент қўмиталари ва комиссияларида умумлаштириш билан шуғулланади. Иккинчи кичик гуруҳ парламент сессиясига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш жараёни мамлакат оммавий ахборот воситаларида мунтазам ёритиб борилиши, мажлислар залидаги электрон овоз бериш тизимининг пухта ишлашини, маърузаларнинг бевосита таржима қилиб борилишини таъминлайди, шунингдек журналистларни аккредитация қилиш масалаларини ҳал этади. Учинчи кичик гуруҳ депутатларни кутиб олиш ва кузатиш, уларни меҳмонхоналарга жойлаштириш, шунингдек, транспорт, тиббий, маиший ва бошқа турдаги хизматларни уюштириш билан шуғулланади.

Кичик ишчи гуруҳларининг раҳбарлари қилинган ишлар тўғрисида вақти-вақти билан ҳисобот бериб бордилар ва ўз фаолиятларини сессияга тайёргарлик кўришнинг умумий режасидан келиб чиққан ҳолда мунтазам мувофиқлаштириб турдилар. Депутатлар ишчи гуруҳи аъзолари ўртасида вазифаларнинг аниқ тақсимланганлиги, уларнинг юксак касбий маҳорати ва топширилган ишга масъулият билан муносабатда бўлишлари барча белгиланган тадбирларни қатъий режалаштирилган муддатларда ниҳоясига етказиш имконини берди.

Биз қўмиталар ва комиссиялар, сиёсий партиялар депутатлар фракциялари, ҳокимият вакиллик органлари ва сайловчилар ташаббускор гуруҳларидан сайланган депутатлар блокларининг самарали ишлаши учун зарур шарт-шароит яратишга алоҳида эътибор қаратдик. Қўмиталар ва комиссиялар раҳбарларига фракциялар ва блокларнинг йиғилишларида фаол иштирок этиш, қонун лойиҳаларини муҳокама этиш чоғида пайдо бўлган барча саволларга атрофлича жавоб бериш, тушган таклифларни синчиклаб ўрганиш тавсия этилди. Натижада депутатлар бўлғуси сессия муҳокамасига киритилаётган қонун лойиҳаларини маромига етказиш юзасидан улкан тайёргарлик ишларини амалга оширдилар. Боз устига, истисносиз, барча халқ ноиблари янги ҳуқуқий ҳужжатларни тайёрлашга ўз шахсий ҳиссаларини қўшиш, нафақат лойиҳаларини тайёрлаш ишида, балки сессияни ўтказиш билан боғлиқ ташкилий масалаларни ҳал этишда ҳам фаол иштирок этиш имкониятига эга бўлдилар.

Махсус депутатлар ишчи гуруҳини шакллантиришнинг Олий Мажлисда таркиб топган амалиёти зарур бўлган барча ташкилий-техникавий масалаларни муваффақиятли ҳал этиш имконини берди. Бугун биз Олий Мажлиснинг учинчи сессияси муваффақиятли ўтиши учун зарур бўлган барча ишлар амалга оширилди, деб айта оламиз.

Дастлабки кун тартибига киритилган масалалар ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, давлатимиз қудратини мустаҳкамлаш учун катта аҳамиятга эга. Улар ижтимоий ҳаётнинг турли соҳаларига, аҳолининг кенг табақалари манфаатларига дахлдордир. Ҳар бир қонун халқимиз турмушини яхшилашга, мамлакатимизни кучлироқ қилишга қаратилган.

Анъанага мувофиқ Олий Мажлис Ўзбекистон Республикаси давлат бюджетининг қандай бажарилаётганини мунтазам муҳокама қилиб боради. Бу гал депутатлар мамлакатимиз асосий молиявий ҳужжатининг 2000 йил биринчи ярим йиллигидаги ижросини муҳокама қиладилар. Шунингдек, парламент «Бюджет тизими тўғрисида»ги Қонун лойиҳасини кўриб чиқади. Бу ҳужжат мамлакатимиз бюджет тизимини шакллантириш ва уни бошқариш асосларини, Давлат бюджетининг таркиби ва тузилиш принципларини, уни кўриб чиқиш, қабул қилиш ва ижро этиш тартибини белгилайди. У, шунингдек, даромадлар ва харажатларни шакллантириш принципларини, турли даражадаги бюджетлар ўртасидаги ўзаро муносабатларни, ана шу соҳа билан боғлиқ бошқа масалаларни тартибга солади.

«Қонун лойиҳаларининг умумхалқ муҳокамаси тўғрисида»ги Қонун лойиҳаси жамоатчилик ўртасида катта қизиқиш уйғотмоқда. Бу масалани ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш демократияни янада чуқурлаштириш, жамият ва давлат ишларини бошқаришда фуқароларнинг ҳуқуқларини кенгайтириш ва мустаҳкамлаш учун улкан аҳамиятга эга. Бугунги кунда фуқароларнинг қонун лойиҳаларини муҳокама қилишда иштирок этишга бўлган ҳуқуқи Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, «Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси тўғрисида»ги Конституциявий Қонун ва «Ўзбекистон Республикаси қонунларини тайёрлаш тўғрисида»ги Қонун билан тартибга солинмоқда. Бироқ қонун лойиҳалари умумхалқ муҳокамасини уюштириш, ўтказиш, унинг натижаларини умумлаштириш ва чиқаришнинг аниқ юридик тартиблари белгиланмаган эди.

Бу ҳужжат қонун лойиҳалари умумхалқ муҳокамасининг асосий принципларини, умумхалқ муҳокамасининг ташкил этилишини, умумхалқ муҳокамасини ўтказиш юзасидан Олий Мажлис қўмиталари ва комиссияларининг ваколатларини белгилайди. Унда фуқароларнинг ҳуқуқларига ва уларнинг кафолатларига алоҳида эътибор қаратилди. Фуқароларнинг ўз фикрларини эркин билдиришда ихтиёрий равишда иштирок этишлари, шунингдек қонун лойиҳаларининг умумхалқ муҳокамаси тўғрисидаги ахборотларнинг эркин олиниши ва тарқатилиши назарда тутилган. Қонун лойиҳасида умумхалқ муҳокамасининг қатнашчилари кўрсатилган бўлиб, улар жумласига нафақат фуқаролар, балки давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, сиёсий партиялар, фуқароларнинг жамоат бирлашмалари ҳам киритилган. Унда, шунингдек, оммавий ахборот воситаларининг қонун лойиҳаларининг умумхалқ муҳокамасидаги иштироки назарда тутилган. Ҳужжат мамлакатимизда қонун лойиҳаларини умумхалқ муҳокамасидан ўтказиш тажрибасини, шунингдек, инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро андозаларни ҳисобга олган ҳолда тайёрланган.

«Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳасининг асосий мақсади ҳуқуқий давлат принципларини рўёбга чиқариш, ижтимоий муносабатларни қонун йўли билан тартибга солиш самарадорлигини ошириш, ҳуқуқий тизимнинг бирлиги, яхлитлиги, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг қатъий ўзаро нисбийлиги ва ўзаро таъсирини таъминлаш, уларни тайёрлаш савиясини ошириш, шунингдек, ҳуқуқий нормаларни рўёбга чиқариш механизмларини такомиллаштиришдан иборатдир.

Қонун лойиҳаси ҳуқуқий нормалар яратишда бирхиллаштирилган қоида ва ёндашувларни, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тайёрлаш, қабул қилиш, уларнинг кучга кириши, уларни шарҳлаш ҳамда эълон қилишга қўйиладиган асосий талабларни белгилашга қаратилгандир. Бу ҳужжат норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг мазмуни, тузилиши ва шаклига доир талабларни, турли даражадаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ўзаро нисбат даражасини ва принципларини, уларнинг Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тизимидаги ўрнини белгилайди.

Қонун лойиҳасини тайёрлаш жараёнида қатор хорижий мамлакатлар, шу жумладан, АҚШ, Франция, Германия, Япония, Канада, Мустақил ҳамдўстлик давлатларининг қонун ҳужжатлари ўрганилди. Лойиҳа ЕС ҳамда TACIS экспертларининг ижобий баҳосини олди, бир қанча республика ташкилотлари ҳамда муассасаларининг таклиф ва мулоҳазаларини ҳисобга олган ҳолда такомиллаштирилди.

Олий Мажлис ҳокимиятнинг мустақил бўғини сифатида суд мустақиллигини таъминлаш, суд жараёнида айблов ва ҳимоянинг амалдаги тенглигини таъминлаш мақсадида суд тизимини ислоҳ қилишга катта эътибор бераяпти. Янги таҳрирдаги «Судлар тўғрисида»ги Қонун лойиҳаси Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ҳамда бошқа қонунларида, инсон ҳуқуқлари, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг ҳуқуқлари ҳамда ҳимоя қилинадиган манфаатлари тўғрисидаги халқаро ҳужжатларда эътироф этилган фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишни мустаҳкамлашга йўналтирилган нормаларни, шунингдек, ихтисослашувни ҳисобга олган ҳолда судьяликка номзодлар танлаш тизимини такомиллаштиришни назарда тутади.

Одил судловнинг сифатини ҳамда тезкорлигини ошириш, суд қарорларининг одиллигини таъминлаш, юқори турувчи суднинг суд қарорининг қонунийлиги учун масъулиятини кучайтириш мақсадида Қонун лойиҳасида ишларни кўришнинг апелляция тартибини жорий қилиш ҳамда судларда ишларни кўришнинг касацция ва назорат тартибини ислоҳ қилиш назарда тутилган. Қонун лойиҳасидаги асосий янгиликлардан бири судларнинг ихтисослашуви бўлиб, у ҳам фуқаролик, ҳам жиноий ишлар бўйича одил судловнинг сифатини яхшилашга имкон беради. Чунки ҳуқуқнинг алоҳида, мустақил тармоқларини қўллашга ихтисослашаётган судьялар таркиби шакллантирилади. Шу билан бирга, ишларни кўриб чиқиш муддатлари анча қисқартирилади ва суд қарорларининг сифати яхшиланади.

«Қишлоқ хўжалик ўсимликларини заркунандалар, касалликлар ва бегона ўтлардан ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонун лойиҳаси қишлоқ хўжалик ўсимликларини ҳимоя қилишни таъминлаш билан боғлиқ муносабатларни тартибга солади ҳамда ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларининг инсон саломатлигига, қишлоқ хўжалик жониворлари ва атроф муҳитга бўлган зарарли таъсирининг олдини олишга қаратилгандир. Амалдаги ўсимликларни ҳимоя қилиш давлат бошқаруви ва назорати тизимини тартибга солиш ҳамда шу асосда ўсимликларни ҳимоя қилиш давлат бошқаруви ва назорати ягона тизимини яратиш назарда тутилади.

Қонун лойиҳасида Ўзбекистонда ишлаб чиқариладиган ҳамда бошқа мамлакатлардан олиб келинадиган ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларини рўйхатдан ўтказиш жараёни масалаларига алоҳида эътибор берилган. Ўсимликларни ҳимоя қилиш воситалари белгиланган тартибда рўйхатга олинмаган бўлса, уларни ишлаб чиқариш, олиб кириш, реализация қилиш ҳамда қўллаш тақиқланади. Кимёвий моддаларни ва биологик воситаларни, ўсимликларни ҳимоя қилиш учун ишлатиладиган бошқа воситаларни сақлаш, қўллаш, ташиш, йўқ қилиш, утилизация қилиш ва кўмиб ташлаш масалалари санитария-гигиена нормалари, нормативлари ҳамда экология экспертизаси талабларини ҳисобга олган ҳолда ҳал этилади.

Корхоналарни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш, рақобатбардош муҳитни яратиш, хизматлар бозорида мулкчиликнинг турли шаклидаги хўжалик юритувчи субъектларнинг пайдо бўлиши билан боғлиқ почта алоқаси соҳасидаги ўзгаришлар «Почта алоқаси тўғрисида»ги Қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш учун асос бўлиб хизмат қилди. Қонун лойиҳасида ҳозирги шароитдаги муносабатларнинг янги ҳуқуқий нормалари ўз аксини топди. Хусусан, хизматлар бозорида мулкчиликнинг турли шаклидаги, тенг ҳимоядан фойдаланадиган почта алоқаси операторларининг иштироки, почта алоқаси соҳасидаги рақобатни ривожлантириш ҳамда монополистик фаолиятни чеклаш, халқаро ҳамкорликнинг кенгайтиришга кўмаклашиш, почта алоқаси соҳасига хорижий инвестицияларни жалб қилиш, ижтимоий ҳимояланишни таъминлаш, почта алоқаси соҳасидаги фаолиятни лицензиялаш, сертификатлаштириш масалалари шулар жумласидандир. Шу билан бирга, почта алоқаси соҳасидаги махсус ваколатли органнинг, шунингдек, операторлар, провайдерлар ва почта алоқаси хизматларидан фойдаланувчиларнинг ваколатлари, ҳуқуқлари ҳамда вазифалари белгиланган.

Олий Мажлиснинг навбатдаги сессиясида депутатлар «Радиациявий хавфсизлик тўғрисида»ги Қонун лойиҳасини ҳам кўриб чиқишади. Бу Қонун радиациявий хавфсизликнинг асосий тушунчалари, принциплари ҳамда уни таъминлаш йўлларини белгилайди. Радиациявий хавфсизликка эришишнинг асосий йўллари радиациявий хавфсизликни таъминлаш бўйича дастурларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишдан, нурланишнинг индивидуал дозаларини назорат қилиш ҳамда ҳисобга олишнинг ягона давлат тизими амал қилишидан, фуқаролар соғлиғига, юридик ва жисмоний шахсларнинг мол-мулкига етказилган зарарларни қоплашдан, тиббий-профилактик тадбирларни ўтказишдан, радиация ҳолати тўғрисида фуқароларни хабардор қилишдан, фуқароларни радиациявий хавфсизлик чораларига ўргатишдан иборатдир.

Қонун лойиҳасида радиациявий хавфсизликни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш, шу жумладан, озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш, ичимлик сувини истеъмол қилиш, тиббий муолажаларни ўтказиш пайтида радиациявий хавфсизликни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солишнинг айрим жиҳатларига бағишланган моддалар мавжуд.

Парламентнинг учинчи сессияси муҳокамасига киритилган «Терроризмга қарши кураш тўғрисида»ги Қонун лойиҳаси давлатимиз учун долзарб ҳуқуқий ҳужжат ҳисобланади. Қонун лойиҳаси Миллий хавфсизлик концепцияси қоидаларига, Ўзбекистон Республикасининг Ҳарбий доктринасига, Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримовнинг миллий хавфсизлик масалалари бўйича дастурий маърузаларига асосланган. Қонун лойиҳасини ишлаб чиқишда шу соҳага тааллуқли халқаро ҳуқуқ нормалари, хусусан, БМТ ҳужжатлари ҳисобга олинди.

Терроризмга қарши кураш соҳасидаги ягона давлат сиёсати терроризмга қарши курашувчи субъектларнинг террорчилик хавфининг ўз вақтида олдини олиш ва уни бартараф этишга, яққол кўриниб турган террорчилик ҳолатларининг олдини олиш, уларни аниқлаш ҳамда бартараф этишга қаратилган аниқ мақсадли ва ягона ғояга бўйсунган фаолиятдан иборатдир.

Қонуннинг асосий вазифаси фуқаролар, жамият ва давлатни терроризмдан ҳимоя қилиш, мамлакатимиз ҳудудий яхлитлигини ва суверенитетини ҳамда фуқаролар тинчлиги ва миллий тотувликни таъминлашдан иборатдир.

«Психиатрия ёрдами тўғрисида»ги Қонун лойиҳаси психиатрия ёрдами кўрсатиш пайтида фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга, жамиятни руҳий ҳолати бузилган шахсларнинг эҳтимол тутилган хавфли ҳаракатларидан ҳимоя қилишга, психиатрия ёрдами кўрсатишда қатнашувчи врачлар, тиббий хизмат ходимлари ва бошқа мутахассисларни муҳофаза қилишга қаратилгандир. Қонун лойиҳасида психиатрия ёрдами турларини кўрсатишнинг ихтиёрийлиги принципи назарда тутилади. Психиатрия ёрдами кўрсатишнинг ғайри ихтиёрий турларини қўллашнинг клиник ва махсус мезонлари белгиланади. Қонун лойиҳасида врачларга ва айниқса ўрта ва кичик тиббий хизмат ходимларига қўйиладиган талабларга, уларнинг ишини беморларга нисбатан инсонпарварлик билан муомалада бўлиш нуқтаи назаридан назорат қилишга алоҳида эътибор бериш зарурлиги уқтириб ўтилган нормалар бор. Ушбу Қонунни қабул қилиш фуқароларга халқаро нормалар ва стандартлар асосида психиатрия ёрдами кўрсатиш борасидаги муносабатларни тартибга солиш имкониятини беради. Қонун лойиҳасининг асосий мазмуни психиатрия ёрдамини имкон қадар кўпроқ инсонпарвар ва демократик қилишдан иборатдир.

Сессияда давлат аҳамиятига эга бўлган бошқа муҳим ҳужжатлар ҳам кўриб чиқилади. Ўзбекистон Республикасининг айрим қонунларига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш, қатор халқаро шартномалар ва битимларни ратификация қилиш кўзда тутилмоқда.

Иккинчи чақириқ Олий Мажлиснинг учинчи сессиясига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича депутатлар ишчи гуруҳининг аъзолари мазкур сессия самарали ўтади ҳамда у XXI аср бўсағасида ва янги аср бошларида мамлакатнинг тараққиётига янги омил бағишлайди, деб ишонадилар.

# ОЛИЙ МАЖЛИС ҚЎМИТАЛАРИ ВА КОМИССИЯЛАРИДА

**(Давоми. Боши 1-бетда).**

Шу куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Аграр, сув хўжалиги масалалари ва озиқ-овқат қўмитасида сессия кун тартибига киритилган «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси учинчи сессияси кун тартиби лойиҳаси тўғрисида», «Қишлоқ хўжалиги ўсимликларини зараркунандалардан, касалликлардан ва бегона ўтлардан ҳимоя қилиш тўғрисида» ва «Ўзбекистон Республикаси айрим қонун-ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимча киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаларининг муҳокамасига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.

Уни қўмита раиси Искандар Қаландаров бошқарди.

Сўзга чиққан депутатлар муҳокама этилган масалалар юзасидан фикр билдирганларидан сўнг, қонун лойиҳаларини навбатдаги Олий Мажлис сессиясида кўриб чиқиш учун тавсия қилишди.

Шунингдек, депутатлар халқаро босқинчи тўдаларнинг Ўзбекистон Республикаси айрим чегараолди ҳудудларидаги террорчилик ҳаракатлари билан боғлиқ бўлган воқеалар хусусида ҳам ўзларининг муносабатларини билдиришди.

* * *

Олий Мажлис Иқтисодиётни ислоҳ қилиш масалалари ва тадбиркорлик қўмитасининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг учинчи сессияси кун тартиби ҳамда қўмитанинг биринчи ярим йилликдаги иш фаолияти ҳақидаги масалалар муҳокама қилинди.

Ушбу масалалар юзасидан қўмита раиси Муҳаммаджон Умаралиев ахборот берди. У сессия муҳокамасига киритилаётган қонун лойиҳаларининг аҳамиятини таъкидлаб, ўтган давр мобайнида қўмита томонидан амалга оширилган ишлар хусусида тўхталиб ўтди. Йиғилишда сессиянинг кун тартиби маъқулланди.

* * *

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ижтимоий масалалар ва бандлик қўмитасининг сессия арафасидаги сўнгги йиғилиши бўлиб ўтди. Уни қўмита раиси Ойниса Мусурмонова олиб борди. Иккинчи чақириқ Олий Мажлиснинг учинчи сессияси кун тартибидаги масалалар кўриб чиқиб маъқулланди. Ўзбекистон Республикасининг «Психиатрия ёрдами тўғрисида»ги Қонуни лойиҳаси ҳақидаги масалани муҳокама қилиш чоғида унинг долзарблиги таъкидланди. Қўмита янги Қонун лойиҳасини сессияда кўриб чиқиш учун тақдим этди.

* * *

Кеча Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитасининг сессияолди йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилишни қўмита раиси Нарзулла Жўраев олиб борар экан, халқаро босқинчи гуруҳларнинг Ватанимиз сарҳадларидаги террорчилик хатти-ҳаракатларига муносабатини билдирди.

Йиғилишда Олий Мажлис сессияси муҳокамасига киритилаётган Қонун лойиҳалари ҳам муҳокама қилинди. Шунингдек, қўмитанинг сессиядан сессиягача бўлган фаолияти ҳақида сўз борди. Йиғилиш кун тартибига қўйилган масалалар юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

* * *

Шу куни Олий Мажлис Атроф муҳит ва табиатни муҳофаза қилиш масалалари қўмитасининг ҳам йиғилиши бўлиб ўтди. Унда бўлажак сессия муҳокамасига киритилиши мўлжалланган масалалар муҳокама қилиниб, бир овоздан маъқулланди. Шунингдек, қўмита йиғилишида Ўзбекистон Республикасининг «Радиациявий хавфсизлик тўғрисида»ги Қонун лойиҳаси ҳақидаги масала ҳам кўриб чиқилди, ва сессия кун тартибига киритиш учун тақдим этилди.

Йиғилишни мазкур қўмита раиси Қудайберген Жумабеков олиб борди.

* * *

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Матбуот ва ахборот қўмитасининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда навбатдаги сессия кун тартибига қўйилган масалалар ва икки сессия оралиғидаги қўмита фаолияти муҳокама қилинди. Қўмита раиси Ўткир Ҳошимов олиб борган йиғилишда депутатларнинг сайловчилар билан учрашувларини янада фаоллаштириш, айниқса, оддий одамлар билан кўпроқ учрашувлар ташкил қилиш лозимлиги таъкидланди. Давлатимизниинг ички ва ташқи сиёсатини халққа етказишда матбуот фаоллигини кўтариш бугунги куннинг долзарб вазифаларидан бири эканлиги қайд қилинди.

Ўзбекистоннинг айрим чегараолди ерларида бўлаётган экстремистик тўдаларнинг босқинчилик хатти-ҳаракатлари ҳақида ҳам депутатлар ўз қатъий фикрларини билдиришди.

* * *

Олий Мажлис Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитасининг йиғилиши бўлиб ўтди. Қўмита раиси Ахтам Турсунов йиғилишни олиб борди. У иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг учинчи сессияси кун тартибидаги масалалар ҳақида батафсил тўхталиб ўтди. Сессия кун тартиби маъқулланди.

Ўзбекистон Республикасининг «Терроризмга қарши кураш тўғрисида»ги Қонуни лойиҳаси ҳақидаги масала ҳам кўриб чиқилди. 6 боб, 32 моддадан иборат лойиҳа сессияда биринчи ўқишда кўриб чиқиш учун тақдим этилди. Янги Қонуннинг қабул қилиниши террористик ҳаракатларнинг олдини олиш ва бошқа давлатлар билан биргаликда унга қарши курашнинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаши алоҳида таъкидланди.

* * *

Кеча Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси мажлиси бўлиб ўтди.

Қўмита раиси Акмал Саидов бошқарган ушбу йиғилишда депутатлар Ватанимизнинг айрим чегараолди ҳудудларига халқаро террорчиларнинг суқилиб кирганлиги билан боғлиқ воқеаларга ўз муносабатларини билдирдилар.

Шундан сўнг иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг учинчи сессияси кун тартибига киритилаётган масалалар атрофлича муҳокама қилинди. Мажлис қатнашчилари қўмита томонидан тайёрланган «Қонун лойиҳаларининг умумхалқ муҳокамаси тўғрисида»ги Қонун лойиҳаси бўйича ҳам фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

Шунингдек, йиғилишда Олий Мажлиснинг иккинчи ва учинчи сессиялари оралиғидаги муддатда қўмитада амалга оширилган ишлар хусусида ҳам гапирилди.

* * *

Олий Мажлис Регламент, одоб ва депутатлар фаолиятининг таъминоти комиссиясининг йиғилишида дастлаб Иккинчи чақириқ Олий Мажлис учинчи сессияси муҳокамасига киритилаётган масалалар номма-ном муҳокама қилиниб, маъқулланди. Ундан сўнг комиссия аъзолари халқаро босқинчи тўдаларнинг мамлакатимиз айрим чегараолди участкаларидаги террорчилик ҳаракатлари билан боғлиқ воқеалар хусусида ўз муносабатларини билдирдилар. Йиғилишни комиссия раиси Шакаржон Хўжаниёзова олиб борди.

* * *

Кеча Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Оила ва аёллар муаммолари комиссиясининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Халқаро босқинчи тўдаларнинг Ўзбекистон Республикаси айрим чегараолди ҳудудларидаги террорчилик ҳаракатлари билан боғлиқ воқеалар хусусида комиссия раиси Шарифа Салимова гапирди. Шунингдек, депутатлар ҳам бу мудҳиш воқеаларга ўз муносабатларини изҳор этишди. Кун тартибидаги навбатдаги масала — Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг учинчи сессияси кун тартибига киритилган қонун ва қарор лойиҳалари юзасидан фикр ва мулоҳазалар билдирилди. Йиғилишда комиссиянинг сессиялар оралиғида олиб борган фаолияти хусусида ҳам тўхтаб ўтилди.

Комиссия йиғилишида муҳокама этилган масалалар юзасидан қарор қабул қилинди.

* * *

Шу куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Норматив-ҳуқуқий атамалар комиссиясининг ҳам йиғилиши бўлиб ўтди. Уни комиссия раиси Миракмал Миралимов олиб борди.

Комиссия аъзолари мамлакатимиз чегаралари ҳудудларида рўй берган воқеаларга нисбатан ўз муносабатларини билдиришди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси учинчи сессияси кун тартибига киритилган қонун ва қарорлар лойиҳалари муҳокама қилиниб, маъқулланди. Шунингдек, комиссия раиси йиғилишда комиссиянинг сессиялар оралиғидаги фаолияти ҳақида гапирди. Йиғилишда муҳокама қилинган масалаларга доир тегишли қарор қабул қилинди.

* * *

Кеча Олий Мажлис Ёшлар ишлари комиссиясининг йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилишни комиссия раиси Фирдавс Абдухолиқов олиб борди. Унда биринчи галда сессия кун тартибига қўйилаётган масалалар муҳокама қилинди. Йиғилиш қатнашчилари сессия кун тартиби ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар. Сессия кун тартиби комиссия аъзолари томонидан бир овоздан маъқулланди.

Йиғилишда халқаро босқинчи тўдаларнинг Ўзбекистон Республикаси айрим чегараолди ҳудудларидаги террорчилик ҳаракатлари қаттиқ қораланди. Халқимиз тинчлик ва осойишталикнинг қадрига етиб, яратувчилик кайфиятида меҳнат қилаётганлиги таъкидлаб ўтилди, тез кунларда террорчилар ҳаракатига чек қўйилишига катта ишонч билдирилди.

Шундан сўнг олдинги сессиядан буён ўтган вақт давомида комиссия томонидан қилинган ишлар тўғрисида комиссия раиси ахборот берди. Ушбу ахборот маълумот учун қабул қилинди.

## ПАРТИЯ ФРАКЦИЯСИДА

*Кеча Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг Олий Мажлисдаги депутатлик фракциясининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси учинчи сессияси кун тартибига киритилаётган масалаларга фракциянинг ёндошувлари аниқланди. Мажлисни фракция раиси И.Кочмарик бошқарди. Раислик қилувчи ва сўзга чиққан депутатлар мажлис иштирокчиларини Олий Мажлис учинчи сессиясининг таклиф этилган кун тартибини, шунингдек, унга киритилиши мўлжалланаётган қонунлар ва бошқа ҳужжатлар лойиҳаларини қўллаб-қувватлашга чақирдилар.*

*Шунингдек, фракция аъзолари Ўзбекистон ХДП Марказий кенгаши сиёсий ижроқўмининг Сурхондарё вилояти Сариосиё ва Узун туманларидаги воқеалар муносабати билан баёнотини ва унинг халқаро терроризмга қарши курашни кучайтириш тўғрисидаги даъватини қўллаб-қувватладилар.*

**Ўз мухбирларимиз.**

**ҚУТЛАЙМИЗ!**

# ТАНЛОВ ЯКУНЛАНДИ

Ўзбекистон Оммавий ахборот воситаларини демократиялаштириш ва қўллаб-қувватлаш ижтимоий-сиёсий жамғармаси ҳамда Республика "Тасвирий ойина" ижодий уюшмаси ҳамкорликда эълон қилган "Энг улуғ, энг азиз" танлови она-Ватанимизнинг кўҳна ва бой ўтмишини, бугунги равнақи ва буюк истиқболини, бунёдкор ва жафокаш халқимизни билгувчи ва суйгувчи кўплаб ижодкорларни қизғин ижодий мусобақага чорлади.

Адиблар, журналистлар, фотосуратчилар ва мусаввирлар томонидан танловга тавсия этилган турфа асарларда буюк истиқлолнинг тўққиз йиллиги арафасида ватандошларимиз эришган энг улуғ ва энг азиз ютуқлар, давримизнинг энг долзарб муаммолари таҳлил этилган.

Ниҳоят, ижодий маҳорат синови якунланиб, ҳайъат ғолибларни аниқлади.

Биз танлов ғолиблари ва иштирокчиларини, барча ижодкорларни Ватанимиз мустақиллигининг шонли тўққиз йиллиги билан чин қалбдан табриклаймиз. Уларга юксак ижодий парвозлар ҳамроҳ бўлишини тилаймиз.

**Муҳаммаджон Обидов, Шуҳрат Мирзакаримов** – тележурналистлар. Мустақиллик мавзуида йил давомида берилган долзарб ахборотлари учун

**Бахтиёр Ризо** – журналист. "Озодликнинг олис йўллари" туркум мақолалари учун

**Йўлдош Сулаймон** – адиб ва публицист. Истиқлол мавзуидаги қатор чиқишлари учун

**Зокир Худойшукуров** – Ўзбекистон радиосининг "Ёшлар" канали бош муҳаррири. "Тарих ва тақдир" рукнидаги туркум эшиттиришлари учун

**Барлиқбой Айтмуратов** – мусаввир. "Қорақалпоғистон" тарихий асарлари учун

**Шавкат Болтаев** – фотосуратчи. "Бухоро тарихий обидалари ва замондошларимиз" мавзуидаги туркум фотосуратлари учун

# ЖИНОЯТЧИЛАР ЕР ТИШЛАДИ

Шу йил 22 август куни кеч соат 11 га яқин Андижон вилоят Ички ишлар бошқармасига Избоскан тумани, Пойтуғ шаҳарчасида яшовчи Зайнобиддин Мирзаевнинг уйида шубҳали шахслар тўпланаётганлиги ҳақида хабар келди. Ички ишлар бошқармаси ходимлари хабарда қайд этилган манзилга етиб келганларида, хонадонга ўрнашиб олганлар уларнинг қонуний талабларига бўйсунмади.

Ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ходимлари томонидан бу уйда тўпланган экстремистларга жиноий ҳаракатларни тўхтатиш, қуролларни топшириш, тинч йўл билан музокаралар олиб бориш тушунтирилди. Лекин улар музокара олиб боришдан бош тортиб, эрталаб соат еттига қадар милиция ходимларига қарата тартибсиз равишда ўқ узиб турди. Натижада экстремистлар ўқидан милиция полковниги Б.Ҳошимов ҳалок бўлди ва 3 нафар милиция ходими тан жароҳати олди.

Мавжуд вазиятдан келиб чиқиб, жиноятчиларни куч ишлатиб қўлга олиш тадбири амалга оширилди. Жангарилар томонидан тирик қалқон сифатида гаровда ушлаб турилган Маъмура Одилова, вояга етмаган Наврўзбек ва Музаффар мазкур тадбир давомида озод этилди. Саккиз нафар экстремист отиб ўлдирилди. Воқеа жойида 8 турдаги ўқотар қурол, 2 та граната топилди.

Республика прокуратураси ахборот марказидан хабар қилишларича, мазкур воқеа юзасидан вилоят прокуратураси томонидан жиноят иши қўзғатилган. Прокуратура, Ички ишлар бошқармаси ва Миллий хавфсизлик хизмати ходимларидан иборат махсус гуруҳ тергов ҳаракатларини олиб бормоқда.

**(ЎзА)**

# «ПАРВИНА-БАНК»

**жамоаси**

**байрамлар ичида энг муқаддаси — Мустақиллик куни билан ўзининг кўп минг сонли мижозларини ва барча ватандошларни муборакбод этади.**

*Ушбу байрамнинг буюк руҳи ҳаммамизга мамлакатимиз қудратини янада мустаҳкамлаш, амалга оширилаётган ислоҳотларни янада жадаллаштириш, халқимиз турмуш даражасини юксалтиришда янги куч-ғайрат бахш этсин!*



3287

ЎЗБЕКИСТОНДА ФАРМАЦЕВТИКА МАҲСУЛОТЛАРИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БЎЙИЧА ЕТАКЧИЛАРДАН БИРИ БЎЛГАН

surkhan / **Сурхон Аджанта Фарма Лимитед**

Ўзбекистон-Ҳиндистон қўшма корхонаси (Сурхондарё вил., Термиз ш.)

**Ўзбекистон Республикаси халқини мамлакат Мустақиллигининг**

**9 йиллиги билан**

**самимий муборакбод этади ҳамда соғлиқ-саломатлик ва ишларида каттадан-катта зафарлар тилайди!**

3277

HOLDING COMPANY FAYZ

# «ФАЙЗ»

## ХОЛДИНГ КОМПАНИЯСИ ЖАМОАСИ

*барча юртдошларимизни энг улуғ байрам – мустақиллигимизнинг*

**9 ЙИЛЛИГИ**

*билан чин қалбдан табриклайди.*



**Корхонамиз меҳнатчилари байрам арафасида аҳоли учун янада манзур бўладиган мебеллар, жиҳозлар ишлаб чиқариш учун зўр ғайрат билан меҳнат қилмоқда.**



*Биз ишонамизки, мамлакатимиз фаровонлиги, юртимизнинг ободлиги, иқболи ҳар биримизнинг ўз иш жойимизда амалга ошираётган фидокорона меҳнатимизга боғлиқ. Бир гуруҳ ғаламисларнинг юртимиз сарҳадларига бостириб кириб, осуда ҳаётимизга хавф солишини кескин қоралаймиз. Ҳар биримиз огоҳ бўлишимиз, Ватанимиз озодлиги, эрки учун жону танимизни аямаслигимиз лозим.*



**Юртимиз тинч ва озод, меҳнатсевар халқимизнинг иқболи баланд, мустақиллигимиз мангу бўлсин!**



Телефонлар: 58-12-22, 58-03-93. Факс 58-12-24.

3238

**Биз фараҳбахш кун — Ватанимиз мустақиллигининг 9 йиллигини тантанавор нишонлаш арафасида турибмиз. Кўҳна тарих учун бу муддат кўз очиб-юмгудек фурсат. Аммо ўтган 9 йил халқимиз учун тарихий давр бўлди. Буни биргина жамоамиз мисолида кўриб турибмиз. Шу йилларда кўп ишлар қилдик. Айни пайтда Тошкент-Термиз автомобил йўлининг 11 километрлик қисми, Шўртан газ-кимё мажмуида эса 60 километрлик йўл-қурувчиларимиз меҳнати билан барпо этилмоқда. Шундай улкан ва ноёб иншоотлар ҳамда замонавий йўллар қисқа муддатда қуриб битказилаётир. Бу — Истиқлол шарофати. Бу Истиқлол берган имконият. 9 йилдаги ўзгаришларнинг энг муҳим ҳосиласи шуки, Ватанимиз келажаги буюклигига жаҳон ҳамжамияти ишонч ҳосил қилди. Мамлакатимиздаги ҳар бир киши мустақилликдан улуғ неъмат йўқлигини билди. Шундай бўлгач, ёвуз ниятли кимсалар мақсадига етолмасликлари шубҳасиз.**

## Азиз юртдошлар!

*Энг улуғ, энг азиз байрамингиз муборак бўлсин!*
*Бундан кейин ҳам биз равон йўллар қурайлик.*
*Юртимиз тинч, осмонимиз мусаффо, Юртбошимиз омон бўлсин!*

# «ҚАШҚАДАРЁАВТОЙЎЛ»

## давлат акционерлик бирлашмаси жамоаси

3205

Мустақиллик иншоотлари

# КОСОНСОЙ — ЮЛДУЗЛАР ГАВЖУМ ЖОЙ



**Косонсой Наманган вилоятида хушманзара табиати, қўли гул ҳунармандлари билан ажралиб туради. Бу туман қадимдан енгил саноатнинг ўчоғи. Мустақиллик шарофати билан туманга хорижнинг йирик сармоядорлари ҳам кириб келишди. Бундан бир йил аввал шаҳарнинг ишлаб чиқариш харитасида ёрқин юлдуз – «Косонсой-Текмен» қўшма корхонаси пайдо бўлди.**



Косонсой вилоят марказидан унча узоқ эмас. Ўзбегимнинг «Дамас» ва «Тико»лари сизни у ерга бир зумда етказиб қўяди. Кўҳна меъморий обидалар ва замонавий иншоотлар уйғунлашган шаҳарнинг қиёфасини унга кираверишдаги яшил ва мовий тусли бинолар тизими ўзгартириб юборган. Бу ерда ўзингизни Европа шаҳарларидан бирига келиб қолгандай ҳис этасиз. Бу кўпчилик мақтаётган «Косонсой-Текмен» қўшма корхонасининг ишлаб чиқариш ва ижтимоий иншоотлар мажмуаси.

— Ҳаммаси кўз ўнгимизда кечди, — эслайди шойи тўқиш фабрикаси собиқ ишчиси Маърифат Рафиқова. — Аввалига ишлаб чиқариш биноларини, кейин турар-жойлар ва ёпиқ бозорни тиклашди. Икки йилга етмасдан бутун бир ишчилар шаҳарчаси қад ростлади. Туманимизга жаҳон андозаларига асосланган жунни қайта ишлаш технологияси кириб келди.

Тўқувчи аёлнинг ҳайрат ва ғурур билан айтган ушбу сўзлари Косонсойда чет эл сармояси жалб этилиб, жуда қисқа фурсатда тикланган ажойиб қўшма корхона ҳақидаги ҳақиқат. Жунни қайта ишлаб, халқаро андозаларга мос газлама тайёрлашга ихтисослаштирилган «Косонсой-Текмен» дунё бозорида ўз ўрнини жуда тез топиб олди. Бугун унинг маҳсулотлари Ўзбекистон аталмиш мустақил юртда Косонсой деган салоҳиятли туман борлигини жаҳонга маълум қилмоқда. Бир вақтлар тўқилган матоси Наманган бозоридан нарига ўтмаган Маърифат сингари опа-сингилларимиз бугун ўзлари тайёрлаган газлама ер юзининг турли бурчакларида истиқомат қилаётган кишилар эгнида жилоланаётганидан беҳад шод.

«Косонсой-Текмен» хорижий шериклар билан барпо этилган корхоналарнинг энг йириги, десак муболаға бўлмайди. 76 миллион АҚШ доллари сарфланиб, ишга туширилган бу корхонада жаҳон бозорида харидоргир бўлган пальтобоп ва костюмбоп газлама, гиламбоп ип калаваси тайёрланяпти. Бу ерда дастлаб, мингга яқин киши дастгоҳларни бошқаришга киришди. Ҳозир уларнинг сони 1500 нафарга яқинлашиб қолди. Ўтган йили ташқи ва ички бозорга 756 миллион 568 минг сўмлик маҳсулот чиқарилди.

— Эшитган бўлсангиз керак, Артхур Андерсен номидаги дунёга машҳур консалтинг фирмаси бор. Корхона бошқарувини ташкил этиш ва қувватларни ўзлаштиришга ана шу фирмани жалб қилдик, — дейди бош директорнинг молиявий ишлар бўйича ўринбосари Илкар Акали. — Унинг вакиллари Косонсойда бўлиб, биз қўллаётган технологияни, хомашё жамғармасини, ишчиларнинг малакасини, кайфиятини яқиндан ўргандилар. Шундан келиб чиқиб, фаолиятни жадаллаштириш юзасидан таклифлар бердилар. Натижа ёмон бўлмади. Бир йилда мўлжалдаги маррага етиб олдик. Маҳсулотнинг сифат даражаси ҳам жойида.

Корхона маркетинг хизматининг маълумотлари муовиннинг гапларини тўла-тўкис тасдиқлайди. Жорий йилнинг етти ойида 2 миллиард 716 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди. Унинг тенг ярми жаҳон бозорида сотилди. Буни хорижий валютага чақадиган бўлсак, 5 миллион 291 минг АҚШ долларини ташкил этади. Америка Қўшма Штатлари, Шарқий Европа мамлакатлари ва Туркия корхона маҳсулотига харидор ҳисобланади. Яқинда Россия Федерацияси билан тузилган шартномалар ҳам кучга кирди.

«Косонсой-Текмен» ички бозор учун ҳам етарли маҳсулот беряпти. Бундан ташқари ички ишлар, мудофаа вазирликлари, божхона, соғлиқни сақлаш тизимларининг буюртмаларини ҳам бажараяпти. Тошкентдаги «Қизил тонг» ҳиссадорлик жамиятининг ишлари ўнгланиб кетишида ҳам қўшма корхонанинг ҳиссаси салмоқли бўлди. Бу ерда косонсойлик тўқимачилар етказиб берган газламалардан эркаклар, аёллар ва болалар пальтолари, костюм-шим, плашлар тикилмоқда. Улар «Косонсой-Текмен» ҳамда «Қизил тонг» тамғаси билан қўшма корхонанинг мамлакатимиз шаҳарларидаги 26 та фирма дўконларида сотиляпти. Кийган кишининг баҳридили очиладиган бу кийимлар ниҳоятда харидоргир.

Яқинда корхонанинг кўргазма залида янги маҳсулот — сув ўтказмайдиган матонинг дастлабки таҳлами пайдо бўлди. Дунёнинг илғор тўқимачилик фирмалари тажрибаси асосида яратилган бу газламанинг ўзига хос хусусиятлари кўп. Бугунги кунда ушбу газламадан тикилган кийимлар анча оммалашиб қолди.

Шу тариқа «Тими» фирмасининг Косонсойда яхлит тўқимачилик ва тикувчилик тизимини яратиш борасидаги дастурида белгиланган дастлабки вазифалар бажарилди. Бу орада одеял ҳошиясини тикиш ва уни сотишга тайёрлашга ихтисослаштирилган «Атласмен», радиотелефон алоқа хизмати кўрсатувчи «Телеком Тек» корхоналари ҳам ишга тушди. Куни кеча «Хали Тек» гилам тўқиш фабрикаси дастгоҳлари ҳаракатга келди. У катта миқдорда ишчи ўрни яратувчи корхона сифатида алоҳида ажралиб туради. Ҳозир унинг цехларида вилоятнинг Тўрақўрғон, Уйчи, Янгиқўрғон, Наманган, Чуст, Чортоқ туманларидан келган 34 нафар қиз-жувон Европа гиламларининг сўнгги нусхасини тўқиш сирларини ўрганяпти. Уч ой таҳсил олгач, улар ҳам ўз туманларига бориб, маҳаллий хотин-қизларни курсларда гиламдўзликка ўргатишади. Шундан сўнг «Хали Тек»нинг ишчилари сони ўн минг нафарга етади. Эрта-индин Европа бозорларини тўлдирадиган, кўзни қамаштирувчи гиламларнинг асосий қисмини ўзбек аёллари уйларида, «Хали Тек»нинг дастгоҳларида тўқишади.

— Корхонамиз атрофи ободонлашяпти, — дейди қўшма корхона ижтимоий иншоотлари мудири Ҳисомиддин Орли. — Бу ерда ишлаб чиқариш биноларидан ташқари ресторан, конференция зали ва меҳмонхонани ўз ичига олган қароргоҳ, ёпиқ бозор, мутахассислар учун қурилган коттежлар қурилди. Европанинг анча-мунча савдо марказларидан қолишмайдиган бозоримизда ўзимизда ишлаб чиқарилаётган газлама ва кийимлар сотуви кенг йўлга қўйилган. Бу ерда ҳар ойда бир марта савдо куни ўтказилади. Ўша куни харидорларимиз маҳсулотларни эллик фоиз арзон нархда сотиб оладилар.

Корхонада жорий этилаётган ҳар бир янгилик унинг мавқеини оширмоқда. Яқинда бу ерда ишчилар маошларини банкомат орқали ҳисоб-китоб қилишга ўтдилар. Энди улар хазиначи қачон пул олиб келар экан, деб кутиб ўтиришмайди. Ҳар бир кишининг ишга келиш ва кетиш вақтини белгилаб қўядиган махсус мослама ахборотни компьютерга узатади. Компьютер ўз навбатида унинг маошини ҳисоб-китоб қилиб, банкоматга етказади. Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банкининг вилоят бошқармаси томонидан ўрнатилган ушбу мосламадан ишчи пластик карточкаси орқали истаган пайтда маошини олиши мумкин.

«Косонсой-Текмен» туман хотин-қизлари учун имконият уфқларини очмоқда. Бош директор хонасида махсус харита осилган. Унда қурилиб ишга туширилган иншоотлар белгилаб қўйилган. Улар ҳозирча тўртта. Олдинда янги мақсадлар — «Тими» фирмаси томонидан ишлаб чиқилган лойиҳалари туркумида кўзда тутилган корхоналарни ишга тушириш вазифаси турибди. Бу лойиҳалар ижроси учун катта маблағ сарфланади. Улар битказилгач, асосий хомашё — жунни ювиш, қайта ишлаш, астар тайёрлаш, енгил либослар ва пальто тикиш юмушлари йўлга қўйилади. Демак, тўқимачилик ва тикувчилик саноатининг бутун бир туркуми Косонсойда тўпланади, улар эл-юрт фаровонлигига хизмат қилади.

**Қудратилла НАЖМИДДИНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**



## Ҳиммат

**Яхшилик мурғак қалбдан тортиб нуроний юракка қадар саховат уруғини экади. Ўзбекистон фахрийларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш «Нуроний» жамғармаси Навоий вилоят бўлими ўз фаолиятини шу мазмунда қурган.**

# САВОБГА ЙЎҒРИЛГАН ТАДБИРЛАР

Мустақиллик байрами яқинлашган сайин жамғарма савобли тадбирларга бош-қош бўлмоқда. Унинг туман бўлимларида ўз кичик корхоналари, экин экиб ҳосил етиштирадиган ерлари бор. Айни пайтда отахонлар далалардан ёз нознеъматларини йиғиштириб олишмоқда. Ҳосилнинг бир қисми «Меҳрибонлик уй»ларига тортиқ қилинмоқда. Қизилтепа, Навбаҳор туманларидан келтирилган 4 тоннага яқин қовун-тарвуз, узум, олма, шафтоли Навоий шаҳридаги «Меҳрибонлик уйи» тарбияланувчилари дастурхонига қўйилди.

Етим-есирлар бошини силашни ўзларига бурч деб билиб, неваралари кўнглини кўтара олган отахонлар ҳарбий қисмлардаги аскар ўғлонларига ҳам мурувват кўрсатишни унутмадилар. Хатирчи тумани фахрийлари ўз маҳсулотлари билан Навоий шаҳрида хизмат бурчини ўтаётган аскарларнинг меҳмони бўлдилар.

**Абдуваҳоб ПИРМАТОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## Изланиш

# ЕТТИ ОЙДА — УЧ МИЛЛИОН

Хизмат юзасидан мамлакатимизнинг турли жойларида бўлишга тўғри келади. Табиийки, ён атрофга назар ташлайсиз. Ва, албатта, ҳар бир шаҳар ёхуд туманда пештоқига фалончи автокорхона деб ёзилган сервиқор темир дарвозага кўзингиз тушади. Бироқ кўп ҳолларда бундай корхоналарнинг деярли фаолият кўрсатмаётганига, эҳтиёт қисмлари ечиб олинган автомобилларнинг «савлат» тўкиб турганига гувоҳ бўласиз.

Баъзилар бундай ҳолни эҳтиёт қисмлар нархи ошиб кетгани билан изоҳлашса, айрим мутахассислар юқоридагидай муассасалар хусусий сектор билан рақобатда синганини таъкидлашади. Аммо шу турдаги барча корхоналар қолоқлик ботқоғига ботган, десак ҳақиқатдан узоқлашган булур эдик. Улар орасида ҳам мустақиллик туфайли яратилган имкониятлардан фойдаланиб, уддабуронлик билан иш юритаётганлари, пировардида мўмай даромадга эга бўлаётганлари ҳам йўқ эмас. Масалан, Элликқалъа туманидаги 20-сонли автокорхона.

Корхона ҳиссадорлик жамиятига айлантирилгач, ишда бурилиш ясалди. Чиқарилган 4316 та акциядан 1079 донаси давлат улуши бўлса, 1122 таси меҳнат жамоасига тегишли. 2115 дона акция эса эркин савдода сотилган.

Жорий йилнинг ўтган етти ойи давомида жами 36128,7 минг сўмлик юк ва йўловчи ташилган. Шундан 2990,0 минг сўми соф фойдани ташкил этади. Корхона қарамоғидаги 49 та юк ташувчи, 25 та автобус ва 13 та такси автомобиллари ёрдамида бундай кўрсаткичга эришиш, албатта, жамоада иш тўғри йўлга қўйилганидан, тартиб-интизом юксак даражадалигидан дарак беради.

— Ҳар бир ҳайдовчи қанча самарали ишласа, шунга яраша моддий манфаатдор бўлишини яхши билади, — дейди корхона раҳбари Қ. Ҳасанов. — Бундай боғлиқликдан келиб чиқиб, ўртача ойлик иш ҳақи ҳам ошиб бормоқда. Жумладан, 1998 йилда бу кўрсаткич 2622 сўмни ташкил этган бўлса, ҳозирда 6500 сўмга етди. Бундан ташқари, ходимларимизни ижтимоий ҳимоялаш мақсадида қўшимча имтиёзлар ҳам яратилган.

**Озод БЕК,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ АХБОРОТИ

*Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2000 йил 29 августдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:*/*

| | | | |
|---|---|---|---|
| 1 Австралия доллари | 165,91 | 10 Люксембург франки | 64,87 |
| 1 Австрия шиллинги | 19,02 | 1 Малайзия ринггити | 76,17 |
| 1 Англия фунт стерлинги | 425,88 | 1 Германия маркаси | 133,79 |
| 10 Бельгия франки | 64,87 | 1 Польша злотийси | 66,34 |
| 1 Голландия гульдени | 118,74 | 1 СДР | 378,63 |
| 10 Греция драхмаси | 7,76 | 1000 Туркия лираси | 0,45 |
| 1 Дания кронаси | 35,10 | 1 Финляндия маркаси | 44,01 |
| 1 БАА дирхами | 78,80 | 1 Франция франки | 39,89 |
| 1 АҚШ доллари | 289,40 | 1 Швейцария франки | 169,55 |
| 1 Миср фунти | 82,90 | 1 ЕВРО | 261,68 |
| 10 Испания песети | 15,73 | 10 Жанубий Корея вони | 2,60 |
| 100 Италия лираси | 13,51 | 10 Япония иенаси | 27,23 |
| 1 Канада доллари | 194,91 | 1 Россия рубли | 10,45 |
| 1 Хитой юани | 34,95 | 1 Украина гривнаси | 53,21 |

**/ Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.*



